

## ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА ҚУРИЛИШ

2017 йил январь-декабрь ойларида вилоятнинг асосий капиталини кўпайтиришга 3307,1 млрд. сўм миқдорда инвестициялар киритилди ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 89,9 фоизни ташкил қилди.

### Молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг тақсимланиши


	млрд.сўм	ўсиш суръати, %	яқунга нисбатан фоиз
<b>Асосий капиталга киритилган инвестициялар</b>	<b>3307,1</b>	<b>89,9</b>	<b>100,0</b>
<i>шу жумладан:</i>			
<b>Марказлашган инвестициялар:</b>	<b>502,1</b>	<b>94,1</b>	<b>15,2</b>
бюджет маблағлари	235,5	131,6	7,1
давлат мақсадли фонд маблағлари	209,9	75,1	6,3
ҳукумат кафолати остида чет эл кредитлари	56,7	92,6	1,7
<b>Марказлашмаган инвестициялар</b>	<b>2805,0</b>	<b>88,7</b>	<b>84,8</b>
корхоналарнинг ўз маблағлари <i>(маҳаллий бюджет маблағларини қўшган ҳолда)</i>	1596,8	159,0	48,3
аҳоли маблағлари	682,9	40,7	20,6
тўғридан-тўғри ва бошқа хорижий инвестиция ва кредитлар	57,7	175,8	1,7
тижорат банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	467,6	112,5	14,1

**2017 йил январь-декабрда асосий капиталга киритилган  
инвестицияларнинг технологик таркиби**


	<i>Жами</i>	<i>Давлат</i>	<i>Нодавлат</i>
<b>Жами, млрд. сўм</b>	<b>3307,1</b>	<b>724,0</b>	<b>2583,1</b>
<i>шу жумладан: умумий ҳажмга нисбатан фоиз кўринишида</i>	100,0	100,0	100,0
қурилиш-монтаж ишлари	69,1	74,7	67,5
машина, ускуналар, транспорт воситалари ишлаб чиқариш ва хўжалик жиҳозлар	26,2	22,6	27,3
Бошқа ҳаражатлар	4,7	2,7	5,2

**Асосий капиталга киритилган инвестицияларда марказлашган ва марказлашмаган  
инвестицияларнинг улушлари**

2016 йил январь-декабрь




2017 йил январь-декабрь



- марказлашган
- марказлашмаган

## 2017 йил январь-декабрь ойларида иқтисодий фаолият турлари бўйича асосий капиталга киритилган инвестициялар

(жамига нисбатан фоизда)



### Ижтимоий соҳа объектларини қуриш

2017 йил январь-декабрда умумий майдони 975,3 минг кв.м. бўлган 5853 та (2016 йилнинг январь-декабрига нисбатан 77,3 фоиз), шу жумладан қишлоқ жойларида 746,8 минг кв.м. 75,1 фоиз) уй-жой фойдаланишга топширилди. Ноишлаб чиқариш соҳасига киритилган инвестициялар ҳажмидан 958,9 млрд. сўмни ёки 29,0 фоизи уй-жой қурилишида ўзлаштирилди.

Умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, мусика ва санъат мактаблари қуриш, қайта таъмирлаш ҳамда касб-ҳунар коллежларига ва умумтаълим мактабларига спорт иншоатлари қурилишида 68,4 млрд. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди, бу ноишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилган инвестицияларнинг 43,8 фоизини ва таълим соҳасига киритилган инвестицияларнинг 3,3 фоизини ташкил қилди.

Коммунал қурилиш соҳасида 344,1 км узунликдаги ичимлик суви, 2016 йил январь-декабрига нисбатан мос равишда 93,0 фоизни, газ тармоқлари 67,9 км узунликда ишга туширилди, бу 2016 йил январь-декабрига нисбатан мос равишда 86,6 фоизни ташкил қилди.

Ичимлик суви тармоқлари қурилишига аҳоли маблағлари ҳисобига 5,7 млн. сўм, газ тармоқлари қурилишига эса 2,5 млн. сўм миқдорида инвестициялар ўзлаштирилди.

**Қурилиш фаолияти.** 2017 йилнинг январь-декабр ойларида 2351,1 млрд. сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 95,6 фоизни ташкил этди.

Қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 81,3 фоизи бино ва иншоотларни қуриш бўйича қурилиш ишлари, 14,1 фоизи фуқаролик қурилиши объектларини қуриш бўйича қурилиш ишлари ва 4,6 фоизи ихтисослаштирилган қурилиш ишларига тўғри келди. Шу жумладан умумий ҳажмдан 89,3 фоизи янги қурилиш, реконструкция ва кенгайтириш ҳамда техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга тўғри келди.

Нодавлат мулкчилик шаклидаги ташкилотлар томонидан 2264,8 млрд. сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилиб, жами қурилиш ишлари ҳажмидаги улуши 96,3 фоизни (2016 йил январь-декабрга нисбатан ўсиш суръати 97,9 фоизни) ташкил қилди.

**Мулкчилик шакллари бўйича қурилиш ташкилотларининг ўз кучлари билан бажарган қурилиш ишлари тақсимоги**  
(умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)

